



## THEORETICAL LEGAL BASIS FOR REGULATING THE FIELD OF MIGRATION

Erkaboev Anvarjon Askaralievich <sup>1</sup>

<sup>1</sup> Tashkent State Law University Master of Public Administration Law

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4742160>

### ARTICLE INFO

Received: 20<sup>th</sup> April 2021  
Accepted: 25<sup>th</sup> April 2021  
Online: 30<sup>th</sup> April 2021

### KEY WORDS

migration, public administration, information technology, legal solutions.

### ABSTRACT

*This article discusses the specifics of international labor migration, the reasons for the increase in migration processes around the world, the norms of international and national legislation on external labor migration, the introduction of information technology in public administration in the field of migration, existing problems in migration and their solutions. proposals were developed and analyzed.*

## МИГРАЦИЯ СОҶАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ НАЗАРИЙ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Эркабоев Анваржон Асқаралиевич <sup>1</sup>

<sup>1</sup> Тошкент Давлат Юридик Университети  
Давлат бошқаруви ҳуқуқи йўналиши магистри

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021  
Ma'qullandi: 25-aprel 2021  
Chop etildi: 30-aprel 2021

### KALIT SO'ZLAR

ҳокимлик, ислоҳотлар, қонунийлик, тамойил, қонун, ҳуқуқ, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар

### ANNOTATSIYA

*Мазкур мақолада халқаро ишчи кучи миграциясини ўзига хос хусусиятлари, дунё бўйлаб миграцион жараёнларнинг ортиши сабаблари, Ташиқи меҳнат миграцияси халқаро ва миллий қонунчилик меъёрлари, миграция соҳасидаги давлат бошқарувида ахборот технологияларини тадбиқ қилиш, миграция соҳасидаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни ечими бўйича ҳуқуқий асосланган ва муҳим амалий аҳамият касб этувчи таклифлар ишлаб чиқилиб таҳлил этилган.*

Жамиятда инсон яшар экан аввало муносиб турмуш тарзига, кулай меҳнат шароитларига ҳамда эркин ва фаровон ҳаёт кечиришга интилади, ҳаёти давомида буларга эришиш учун астойдил ҳаракат қилади.

Меҳнат ресурслари макроиқтисодиётнинг асосий қисми ҳисобланади. Дунё аҳолисининг қандайдир

қисми, ҳар хил таъсирлар ёрдамида иш ва яшаш жойини алмаштириб туради. Бу омил миграция деб аталиб, у бир пайтнинг ўзида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, диний, экологик характерга эга. Миграциянинг турли таърифлари мавжуд. Миграцияга мавжуд таърифлар орасида умумий тарзда, қуйидаги таърифни ажратиб кўрсатиш мумкин: жисмоний шахс (аҳоли) нинг



маълум бир географик ҳудуддан бошқа бир муайян ҳудудга кўчиши миграция дейилади.

Миграция жараёнлари илгари маълум бир ҳудудлардагина (Африка, Осиё, АҚШ, Ғарбий Европа) рўй берган бўлса, эндиликда миграция тобора халқаро глобал жараёнга айланиб бормоқда.

Жаҳон аҳолиси ёшига боғлиқ равишда икки типдаги одамларни ўз ичига олади: меҳнатга лаёқатли - 15-60 ёшлилар, меҳнатга лаёқатсиз - болалар ва қариялар. Аҳоли умумий ҳажмининг тахминан 70 фоизи биринчи типга тегишли.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳам иккига ажратилади: иқтисодий фаол ва фаол бўлмаганлар. Уй бекалари, талабалар (таътил пайтида), давлат қарамоғидаги фуқаролар, шунингдек, фуқаролиги бўлмаганлар иқтисодий фаол бўлмаганлар қаторига киради. Бизни иқтисодий фаол аҳоли, яъни меҳнатга лаёқатли ва унга интилувчи одамлар қизиқтиради. Фуқароларнинг айнан шу тоифаси мамлакат ичкарасида ва хориждан иш кидириш жараёнида фаол иштирок этади.

Ҳозирги кунга келиб жаҳон ишчи кучи бозори (ЖИКБ) вужудга келдики, бу бозор асосини миллий хўжалик тизимлари ва жаҳон иқтисодиёти доирасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси, табиати ва жойлашувига сезиларли таъсир этувчи иқтисодий фаол аҳолининг мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида жами миграция айланмаси ташкил этади.

Ишчи кучининг халқаро миграцияси туфайли иккала давлат ҳам ўзаро манфаатли натижаларга эришади.

Меҳнат миграцияси ички иқтисодиётга пул ва маҳсулот захираларининг сезиларли даражада жамланиши омили ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ишсизликни камайтириш, мигрант ишчилардан валюта

маблағларини кириб келиши, қабул қилувчи мамлакатда уларга етарли даражадаги турмуш шароитини таъминлашга кўмак бериш учун миграцион сиёсат олиб борилиши қайд этилади.

Мигрантларнинг асосий қисмини 30-40 ёшдагилар ташкил этади, уларнинг хорижга чиқиши ички меҳнат бозоридаги рақобатни юмшатиш имкониятини беради.

Ишчи кучи экспортининг ўзига хос ижобий томонлари мавжуд:

Ишчи кучи экспорти туфайли республика миллий даромадига хориждан маблағ келиб қўшилади;

Хорижда ишлаб келган фуқароларимиз ўзлари билан бирга энг замонавий билимларни, ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибаларни, замонавий технологияни ва янги техникани бошқаришни ўрганиб қайтадилар;

Фуқаролар хориж корхоналарида мавжуд бўлган меҳнатни ташкил этиш, меҳнат интизоми, ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш, унумли меҳнат қилиш, замонавий билимларни эгаллайдилар;

Мамлакатимизни ўз меҳнатсеварликлари билан жаҳонга танитадилар, чет тилларини ўрганадилар, меҳнат қилиш ва малака ошириш усулларини ўрганиб келадилар.

Узоқ вақт давом этган хорижий фаолиятдан сўнг бу ишчиларнинг умумий касб-маҳорати даражаси ортади ва улар ўз ватанларида иқтисодий ҳаётнинг янги соҳаларида ишлашга тайёр бўлишини киритиш мумкин.

Ишчи кучининг чет элга юборилишининг салбий жиҳатлари ичида энг асосийси меҳнатга лаёқатли ва юқори малакали мутахассисларнинг йўқотилиши ҳисобланади.

Ишчи кучини импорт қилувчи мамлакатлар одатда, мигрантлар сони ва



сифат таркибини тартибга солиб борувчи иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлардир. Тартибга солиш дастаклари сифатида миграцион квоталар ва турли чеклашлардан (мигрантнинг ёши, маълумотлилик савияси, касб маҳорати даражаси, соғлиги кабилар) фойдаланилади.

Ишчи кучи экспортининг миллий иқтисодиётимизга салбий таъсир кўрсатувчи яна бир жиҳати. Бу энг аввало “Ақлли кишиларнинг кетиб қолиши” деб аталувчи юқори малакали мутахасисларнинг хорижга кетиб қолиши билан боғлиқдир. Бу жараённинг моҳияти шундаки, мутахасислар турмуш даражаси паст давлатлардан юқори иш ҳаққи, яхши меҳнат шароитлари, ижодий имкониятларни амалга оширишга етарли шарт-шароит ва албатта ижтимоий кафолатлар яратиб бера оладиган мамлакатларга кетиб қолади.

“Юқори сифатли” ишчи кучини ўзига жалб қилувчи асосий марказлар энг бой мамлакатлар: АҚШ, Канада, Германия, Франция, Буюк Британия, Швеция, Жанубий Корея камроқ даражада Япония, Сингапур, Тайван саналади. Ақлли кишиларнинг чиқиб кетишининг асосий каналлари биринчидан, хорижий талабалар ва аспирантларни чет элдаги университетлари томонидан жалб этилиши, иккинчидан, тажрибали мутахасисларни халқаро компанияларда ишга таклиф этилиши ҳисобланади.

Халқаро ишчи кучи миграциясини муддати бўйича қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- бутунлай (қайтиб келмаслик) миграция – аҳолининг бошқа мамлакатга доимий яшаш учун бориши;
- вақтинчалик (қайтиб келинадиган) миграция – аҳолининг бошқа мамлакатга маълум муддатга бориши;

- мавсумий миграция – аҳолининг бошқа мамлакатга маълум бир вақт мобайнида ва маълум бир муддатга бориши (масалан қишлоқ хўжалиги ишлари учун);

- маятникли миграция (кўп такрорланадиган) – ишчилар бир мамлакатда яшайдилар, лекин доимо ёки вақтинча бошқа мамлакатда ишлайдилар. Бу жаҳон ҳамжамиятининг чегарадош мамлакатларига хосдир (Польша, Германия).

Меҳнат миграцияси ўзининг иш жойини ўзгартиришига қаратилган ҳаракатдир.

Меҳнат миграцияси 2 турга бўлинади.

1. Ички меҳнат миграцияси – бир мамлакат миқёсида ишчи кучининг ҳаракатланиши.
2. Ташқи меҳнат миграцияси – бир мамлакат ҳудудидан иккинчи бир мамлакатга ишчи кучининг кўчиши.

Ички меҳнат миграцияси миллий қонунлар, меҳнат кодекси орқали бошқарилади, тартибга солинади. Ташқи меҳнат миграцияси миллий қонунчилик меъёрлари, БМТ стандартлари ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) кўрсатма ва тавсияномаларига мувофиқ келувчи давлатлараро келишувлар асосида бошқарилади. Ташқи меҳнат миграцияси халқаро иқтисодий алоқаларда муҳим ўрин тутиб, аввало ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларда ишсизлик сонини қисқартириб, уларга ишчи кучини қабул қилган мамлакатлар томонидан хорижий валюта келиб тушишини таъминлайди. Жаҳон иқтисодий алоқаларида меҳнат миграцияси муҳим аҳамият касб этиб, халқаро меҳнат бозорларининг асосий марказлари маълумдир. Халқаро меҳнат бозорининг биринчи маркази АҚШдир. Бу меҳнат бозорининг ўзига хос хусусияти



шундаки, аввало илмий-техникавий ходимлар ёлланади, юкори малакали мутахассислар ишга қабул қилиниб, Европа ва дунёнинг бошқа мамлакатларидан турли соҳалар бўйича юкори профессионал малакага эга бўлган мутахассислар ёлланади.

Дунё аҳолисини миграцияга мажбур этувчи асосий сабаблар қуйидагилардан иборат:

1. Халқаро миқёсда ишсизликнинг юқориликни келтириб чиқарувчи сабаблар фақат малака, касб-кордагина эмас, бунинг асосий сабабларидан бири ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида ишчилар иш ҳақининг пастлигидадир.
2. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида меҳнат шароитлари талабларга жавоб бермаслиги ва ўта оғирлиги.
3. Ривожланаётган мамлакатларда иш вақтининг ҳаддан ташқари узунлиги.
4. Иш жойларида мавқени ошириш имкониятларининг йўқлиги.

Ҳозирги пайтда давлатлар меҳнат миграциясини тартибга солиш борасида ўз ҳаракатларини кучайтириб боришмоқда. Мигрантларни жўнатувчи (экспортёр-мамлакатлар) ва қабул қилувчи (импортёр-мамлакатлар) томонларнинг ўзаро манфаатларини ҳуқуқий ифодаси одатда икки ва кўп томонлама келишувлар кўринишида амалга оширилади. Бу соҳада халқаро конвенцияларни тайёрлашда аҳоли бўйича БМТ Комиссияси, Халқаро меҳнат ташкилоти, Миграция бўйича халқаро ташкилот каби глобал ташкилотлар сезиларли кўмак бериб келмоқда. Ишчи-мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи ҳудудий тузилмаларга мисол сифатида Ғарбий Европадаги Миграция масалалари бўйича ҳуқуматлараро кўмитани келтириш мумкин. ЖИКБ доирасидаги

муносабатларни тартибга солишнинг асосий халқаро меъёрий ҳужжатлари Халқаро меҳнат ташкилотининг 1962, 1975, 1982 йиллардаги Конвенциялари ҳисобланади. Бу ҳужжатларнинг моддалари мигрантларни ёллаш, уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, миграциянинг яшириш каналлари билан кўрашиш каби масалаларни тартибга солади.

Халқаро меҳнат меъёрларини белгилаб қўйишда Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенция ва тавсиялари алоҳида аҳамиятга эга.

**Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)** – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг ихтисослаштирилган муассасаси бўлиб, у ижтимоий адолат тамойилларини, халқаро тан олинган инсон ҳуқуқлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларни илгари суришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. 1919 йилда ташкил топган ХМТ 1946 йилда БМТ тизимига кирган биринчи ихтисослаштирилган муассаса бўлди.

Бу ташкилот фаолияти Филадельфия декларациясида (1944 йил) эълон қилинган қуйидаги тамойилларга асосланади:

- меҳнат товар эмас;
- сўз эркинлиги ва бирлашиш эркинлиги доимий тараққиётнинг зарурий шартидир;
- ҳар қандай жойдаги қашшоқлик умумий фаровонлик учун таҳдиддидир;
- ирқи, этниқоди ёки жинсидан қатъи назар, барча одамлар эркинлик ва инсон қадр-қимматини ҳурматлаш, иқтисодий барқарорлик ва тенг имкониятлар шароитида моддий фаровонлик ва маънавий ривожланиш ҳуқуқига эгадирлар.



Ўзбекистон Республикаси ХМТ га 1992 йилдан аъзо бўлиб, бугунги кунгача ушбу Ташкилотнинг 14 конвенциясини ратификация қилган:

- Мажбурий Меҳнат тўғрисида Конвенция (C29)-13.07.1992й;
- Қирқ соатлик иш ҳафтаси ҳақида Конвенция(C47)-13.07.1992й;
- Байрам кунларига ҳақ тўлаш ҳақида Конвенция(C52)-13.07.1992й;
- Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида Конвенция (C87) - 17.06.1948й;
- Бирлашиш эркинлиги ҳақида Конвенция (C98)-13.07.1992й;
- Бажарилган Меҳнат учун бир хил маош тўлови ҳақида Конвенция (C100) - 13.07.1992й;
- Оналикни ҳимоя қилиш ҳақида Конвенция (C103) - 13.07.1992й;
- Мажбурий Меҳнатни йўқотиш тўғрисида Конвенция(C105)15.12.1997й;
- Дискриминация ҳақида Конвенция (C111) -13.07.1992й;
- Бандлик сиёсати ҳақида Конвенция (C122) -13.07.1992й;
- Меҳнаткашларнинг вакиллари ҳақида Конвенция (C135) - 15.12.1997 й;
- Коллектив шартномалар ҳақида Конвенция (C154)- 15.12.1997 й;
- Ишга олишда минимал ёш ҳақида Конвенция (C138) – 03.2008 й;
- Болалар меҳнатини энг ёмон формаларини тақиқлаш ва зудлик билан чоралар кўриш ҳақида Конвенция (C182) – 03.2008 й.

Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзоси бўлган давлат ҳуқумати ХМТ Конвенциялари ва Тавсияларини уларни ратификациялаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ўз мамлакатининг ваколатли миллий органига (кўпинча Парламентга)

тақдим этилишини ташкил қилади. ХМТга аъзо давлат у ёки бу Конвенцияни ратификациялаганда ундаги қондаларни миллий қонун ҳужжатларида ва амалиётда қўллаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

ХМТ Тавсиялари унчалик мажбурий тусда бўлмасдан, сиёсат, қонунчилик ва амалий фаолият соҳасида қўлланма вазифасини бажаради.

1998 йилда Халқаро меҳнат конференцияси меҳнат соҳасидаги асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқлар тўғрисида Декларацияни қабул қилди. Унда таъкидланишича, ХМТга аъзо давлатлар (улар тегишли Конвенцияларни ратификациялагани ёки йўқлигидан қатъи назар) фақат ХМТга аъзо бўлганликларининг ўзи сабабли ҳам меҳнат соҳасидаги фундаментал принциплар ва ҳуқуқларга “риоя этишлари, уларни қўллашлари ҳамда ҳаётга сидқидилдан татбиқ қилишлари” шарт. Бу асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқлар куйидагилардан иборат:

- меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ташкилотга бирлашиш ҳамда жамоа музокараларини юритиш ҳуқуқи;
- мажбурий меҳнатнинг барча шаклларида барҳам бериш;
- болалар меҳнатини таъсирчан тақиқлаш;
- меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишларни баргараф этиш.

Охириги йилларда, Ўзбекистоннинг Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан биргаликдаги алоқалари кучайиб бормоқда. 2018-2020 йилларда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳуқумат қарори қабул қилинди.



Дунё бўйлаб миграцион жараёнларнинг ортиши кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, бошқа давлатларга келаётган кишиларнинг тил билмаслиги, маҳаллий аҳоли урф-одатларини билмаслиги, маҳаллий аҳоли билан турли низоларнинг келиб чиқиши, диний омил, ишчиларнинг оддий гигиеник қоидаларга риоя қилмасликлари, турли юқумли касалликларнинг келиб чиқиши, тиббий хизматнинг вақтида олинмаслиги, шунингдек, турли жамоат жойларида ўзини тутиш қоидаларини билмаслиги ёки риоя қилмаслиги каби омилларни кўрсатиш мумкин.

Юқоридаги ҳолатларнинг авж олиб кетмаслиги учун миграцион жараёнларни бошқариш тушунчаси қўлланилади. Бундай бошқариш асосида, иш кучи ресурсларини биринчи навбатда, қонунийлаштириш, тартибга солиш ётади.

Мигрантлар, ўз табиатига кўра жамиятнинг ишбилармон ва ҳаракатчан аъзолари ҳисобланади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, миграция иқтисодий ўсишга, янги миллатларнинг пайдо бўлишига, маданиятларнинг бойишига кўмак бўлиб келган.

Миграцион жараёнларни таҳлил этишда, ундаги муҳим муаммовий масалаларнинг ҳам мавжудлигини инобатга олиш зарур бўлади. Маълумки, ҳаракат фаолияти мобайнида аксарият мигрантлар эксплуатация қилинади ва уларнинг ҳуқуқлари поймол қилинади; аксарият ҳолатларда ўзлари йўналиш олган манзил мамлакатлар маданияти ва турмуш тарзига нисбатан интеграциялашув қийин кечиши мумкин; мигрантларни қабул қилаётган давлатларнинг малакали ва зарур ҳисобланган кадрларига нисбатан арзон ишчи кучи сифатида рақобатбардош бўлиб, уларни иш жойларидан маҳрум этиши

мумкин. Мана шу ва бошқа кўплаб сабабларга кўра миграция ҳолатини ҳар томонлама, жумладан ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ўтиш даврининг табиий қийинчиликлари оқибатида юзага келган ва тобора авж олиб бораётган ишсизликнинг олдини олиш, имкон қадар унинг кўламини жиловлашнинг, яъни ишсизлик муаммосини оқилона ҳал қилишнинг икки йўли бор эди.

**Биринчи йўл** – бу мамлакатда кўплаб янги иш ўринларини яратиш ва ўтиш даври қийинчиликлари ҳамда тизимли ўзгаришлар оқибатида барча ишдан бўшаганларни янгидан яратилган иш ўринларига жойлаштириш. Муаммонинг ечими сифатида давлат иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларидаёқ кичик ва хусусий тадиркорликка кенг йўл очиб бериш, унга имтиёзлар бериш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг тезкор чораларини кўриш сиёсатини тутди. Лекин, эндигина мустақилликка эришган ва ўтиш даври инқирозини бошидан кечираётган мамлакатда ишсизлик муаммосини узил-кесил ҳал этишда давлатнинг молиявий имкониятлари бениҳоя чекланган эди. Боз устига халқимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш ва унинг ҳисобидан даромад топиш тажрибаси ҳали шаклланмаган эди.

**Иккинчи йўл** – аҳолига бошқа мамлакатларга чиқиб, тирикчилик қилишлари, оиласини боқиш учун имконият яратиб бериш, аниқроғи меҳнат миграциясига йўл очиб беришдан иборат эди. Республикамиз учун бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ана шундай машаққатли ва беқарор вазиятда ишсиз қолганларнинг бир қисми, аниқроғи номигагина бандликда бўлиб, маош олиб юрганлар ёки ишдан бўшаб, ишсизлар тоифасига мансуб бўлганлар мана шу



иккинчи йўлни танлашга мажбур бўлишди.  
[1]

Мамалакатимизда кейинги вақтларда меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалаларга давлатимиз, шахсан давлат раҳбари, катта эътибор қаратмоқда. Хусусан мамлакат Президенти Ш. М. Мирзиёев томонидан «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг имзоланиши Президент раҳбарлигида давлатимиз томонидан халқ фаровонлигини ошириш, давлатимизнинг халқаро нуфузини кўтариш, мамлакатни нотўғри шакллантирилган ва бизга яхши самара бермаётган меҳнат миграцияси иллат ва камчиликларидан холос этишга қаратилган муҳим ислохотлардан бири бўлди.[2]

Юқоридаги қарорга кўра Сўнги тўрт йил давомида хорижда ишлаётган фуқароларга нисбатан муносабат тубдан ўзгариб, меҳнат мигрантлари билан мулоқот ўрнатилди, уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда ҳал қилиш бўйича янги тизим жорий қилинди.

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди, меҳнат мигрантларининг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш, уларнинг оила аъзолари учун ипотека кредитларини ажратиш амалиёти жорий қилинди.

Шу билан бирга, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг реинтеграциясини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича комплекс

чора-тадбирларни қабул қилиш белгиланди.

Ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги ваколатли органларнинг фаолиятини такомиллаштириш, хорижда ишламоқчи бўлган шахсларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, фуқароларнинг чет элда бўлиш даврида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қайтиб келган меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида устувор вазифалар амалга оширилди.

Республикамизнинг меҳнат қонунчилиги, фуқароларнинг мамлакатга келиши ва чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган тартиб ва маъмурий-ҳуқуқий меъёрлар Ўзбекистон аъзо бўлган Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий талабларига мувофиқлаштириб борилган. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунида Ўзбекистон фуқароларининг чет элларда касб фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи, мамлакат ташқарисида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ишга жойлаштиришни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришда давлатнинг масъулияти мустаҳкамлаб қўйилган.

Меҳнат миграциясига ахборот коммуникация технологияларини давлатлар томонидан соҳага тадбиқ этилиши, бир қатор тизимли муаммоларни ҳал қилинишини таъминлайди. Жумладан хорижга мигрант сифатида чиқувчи фуқаролар маълумотлари ягона тизимда шаклланади. Улар ҳақидаги умумий маълумотлар, қайси давлатда нима мақсадда юрганлиги, хориж мамалакатдаги аниқ яшаш манзили каби маълумотларни ягона тизимда шаклланиши миграция ресурсларини экспорт импорт қилувчи давлатлар ҳамда мигрантлар учун ҳам бир қатор қулайликларни келтириб чиқаради.



Соҳага ахборот комуникация технологияларини жорий қилиш бўйича ҳам мамлакатимизда бир қатор чора-тадбирлар белгиланмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг** “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси жорий қилинишини ва унинг ишлашини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорида: хорижга вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетадиган фуқароларни онлайн рўйхатдан ўтказиш, ташкилий тартибдаги меҳнат миграцияси тўғрисидаги келишувга асосан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ваколатхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларида меҳнат миграцияси масалалари бўйича атташе томонидан хорижда ишга жойлаштирилган фуқаролар ҳақида маълумотлар базасини яратиш, шунингдек, ишга жойлаштирилаётган мамлакатда бўлиш қоидалари, меҳнат шароитлари, ижтимоий ва яшаш-турмуш таъминоти, чет эллик иш берувчилар билан тузиладиган меҳнат шартномаларининг ҳуқуқий жиҳатлари, қонунчиликда назарда тутилган молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида онлайн тартибда маълумотлар тақдим этиш имконияти; меҳнат бозорининг, ҳудудлар, жинс ва ёш омиллари, соҳалар ва мутахассисликлар кесимида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг ривожланиш тенденциялари прогнозини шакллантириш; Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг амалга оширилган ва амалга оширилиши режалаштирилаётган ахборот ресурслари билан интеграциялаш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига меҳнат ва аҳоли бандлиги соҳаларида давлат бошқаруви бўйича юклатилган функцияларни тўла ҳажмда ва тезкорлик билан амалга оширишга доир чора-тадбирлар белгиланган. [3]

Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳада ечимини топмаётган ана шундай оғрикли муаммоларни бартараф қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, чет эл фуқаролари учун кириш визаларини бериш тизимини соддалаштириш, шахснинг хорижга чиқиш паспортини татбиқ этиш, фуқароларга паспорт хизмати кўрсатиш тизимини осонлаштириш, бу борадаги қонун бузилишини бартараф этиш, аниқлаш ва олдини олиш орқали ноқонуний миграцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича тегишли давлат идоралари чора-тадбирларни амалга оширмоқда. [4]

Хулоса қилиб айтганда, миграция жараёнларини тартибга солиш борасида, энг аввало, меҳнат бозоридаги ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талаб ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш, “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, миграция жараёнларида асосан ноқонуний миграцияни тартибга солиш, назорат қилиш ҳамда бошқариш, миграция жараёнларини оптималлаштириш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг юз бераётган ўзгаришларга тайёрлигини ўрганиш ва мақбуллаштириш орқали ижобий таъсир кўрсатишнинг психологик-



инновацион ечимларини асослаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш талаб этилади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда олиб борилаётган

миграция соҳасидаги ислохотларнинг реал ҳаётда ижобий натижасини беришини кафолати ҳисобланади.

## **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Гулямов С.С. и.ф.д., академик Муҳаммедов М.М. , и.ф д., проф. Мақола.” Меҳнат миграцияси ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш йўллари”
2. «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4829-сон 15.09.2020й
3. «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4502-сон 31.10.2019й
4. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида ПФ-5635-сон 17.01.2019й